

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАР ҲИСОБИ

Тулаев Мирзакул Саламович ¹, Абдусаломова Гулчехра ²

¹ Халқаро Нордик университети Иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш кафедра доценти, Тошкент, Ўзбекистон, электрон почта: m.tulaev@nordicuniversity.org, (orcid.0000-0002-0612-5635)

² Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кўшма дастурлар магистранти, Тошкент, Ўзбекистон, электрон почта: abdusalomovagulchehra0@gmail.com, (orcid. 0009-0001-4621-3058)

Аннотация

Аннотация. Мазқур мақолада товар моддий заҳиралар ҳакида умумий тушунчалар, уларнинг таннархини аниқлаш, товар моддий заҳираларни омборга қабул қилиш ҳисоби, уларни ишлаб чиқаришга бериш усуллари ва уларни ҳисобда акс эттириш каби масалалар ўрганилган.

Калим сўзлар: товар моддий заҳиралар тушунчаси, уларни баҳолаш, бухгалтерия ҳисобида уларни кирим қилиш, ҳисобдан чиқариш, таннархини аниқлаш, FIFO, LIFO, AVECO

Товар-моддий заҳиралар (ТМЗ) жорий активлар таркибига киради, чунки улар бир йил давомида ёки операцион цикл давомида сотилади ёки фойдаланилади. *Заҳиралар* (*inventories*) – кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Товар-моддий заҳиралар савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарнинг жорий активларининг катта қисмини ташкил қиласиди. ТМЗ активлар бўлиб, улар хўжалик юритувчи субъектларда қўйидаги қўринишларда бўлади:

а) маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий эҳтиёжлар ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар, харид қилинадиган яrim тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идиш ва идишбоп материаллар, эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва хўжалик анжомлари, бошқа материаллар заҳиралари;

б) боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оиласари, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (боқувга қўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар;

в) деталлар, узеллар, буюмларнинг тугалланмаган ишлов берилиши ва йиғилиши ҳамда тугалланмаган технологик жараёнлар кўринишида тугалланмаган ишлаб чиқариш. Ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотларда тугалланмаган ишлаб чиқариш улар бўйича қабул қилиш-топшириш хужжатлари расмийлаштирилмаган ва ташкилот томонидан тегишли даромад тан олинмаган тугалланмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга доир харажатлардан ташкил топади;

г) ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот (ишлиб чиқариш циклиниң пировард натижаси - сотиш учун мўлжалланган ва қонун хужжатлари билан белгиланган ҳолларда шартномада ёки бошқа хужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифлариға мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутланиши) тугалланган актив);

д) бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан харид қилинган (олинган) ва ташкилотнинг одатдаги фаолияти давомида қўшимча ишлов беришсиз сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар. Бунда узоқ муддатли активлар объектлари (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, мулкий (мутлак) ҳукуқлар ва бошқалар) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибиға қўйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган активлар киритилади:

а) хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

б) қиймати бир бирлик (комплект) учун хизмат муддатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда бўлган буюмлар. Ташкилот раҳбари ҳисоб сиёсатида уларни инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибида ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг бундан паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибиға қўйидагилар киритилади:

а) маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);

б) маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзal;

в) кўрпа-тўшаклар;

г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);

д) ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;

е) уларни барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳоказо).

Товарларни, товар-моддий заҳиралар таркибиға киритмаслик ҳоллари.

Инвентаризация қилинаётган даврда корхонанинг эгалик қилиш ҳукуқи бўлмаган товарлар аниқланиши мумкин. Бу мижознинг буюртмасига асосан тайёрланган, у томонидан тўланган (яъни, олди-сотди битими (шартномаси) амалга оширилган), мижозга тегишли ва жўнатилишини кутаётган

товарлардир. Бундай товарларнинг сотилиши амалга оширилган ва керакли барча ҳужжатлари мавжуд. Моддий заҳиралар таркибига кирмайдиган товарларнинг яна бир тоифаси бу - консигнациядаги товарлардир.

Консигнация (consignment) - бу консигнант деб аталадиган мулқдорнинг ўз товарларини бошқа корхонанинг (консигнатор) омборларида жойлаштиришидир. Консигнатор бундай товарларни ўзининг моддий заҳиралари таркибига киритмаслиги керак, чунки реализация қилинган давригача бу товарлар жўнатувчи - консигнантнинг мулки ҳисобланади.

Улар бўйича мулк ҳуқуки ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган товар-моддий заҳиралар балансдан ташқари счёtlарда шартномада назарда тутилган баҳо бўйича акс эттирилади.

Йўлдаги товарлар. Айрим ҳолларда сотиб олинган товарлар ташиш жараёнида бўлади, яъни ҳисботот даври охирида келиб тушмаган ёки олинмаган. Бундай товарларнинг ҳисобини юритишда, у кимга тегишлигига боғлиқдир. Буни «эгалик қилиш ҳуқуки» қоидасини қўллаш орқали аниқлаш мумкин. Агар товарга эгалик қилиш ҳуқуки олинган бўлса, тегишли даврнинг харидлари сифатида ҳисобда акс эттирилган бўлиши шарт, ваҳоланки улар жисмонан келиб тушмаган бўлса ҳам. Бундай харидларнинг акс эттирилмаслик ТМЗларнинг ва тўланадиган счёtlарнинг ҳажмини баланс ҳисботида пасайтиришга ҳамда даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилишда ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботда Харидларнинг пасайтиришга олиб келади.

Баланс ҳисботининг ТМЗлар қийматига қўйидаги моддалар киритилади:

- Инвентаризация натижасида мавжуд бўлган барча товар-моддий заҳиралар
- плюс* сотиб олинган, лекин йўлдаги товарлар (эгалик қилиш ҳуқуки жўнатиш пайтида олинган товарлар)
- плюс* сотилган, лекин йўлдаги товарлар (эгалик қилиш ҳуқуки харидорга ушбу товар етказиб берилган пайтда ўтиш шарти билан сотилган товарлар)
- минус* сотилган товарлар, бироқ харидорларга ҳали жўнатилмаган
- плюс* бошқа жойларда жойлаштирилган консигнациядаги товарлар, лекин ҳали сотилмаган ва эгалик қилиш ҳуқуки корхонага тегишли бўлган товарлар
- минус* бошқа корхоналарнинг ТМЗлар таркибига бўлган, бироқ корхонада консигнацияда жойлаштирилган товарлар.

Товар-моддий заҳираларни тан олиши. Товар-моддий заҳиралар актив сифатида тан олинади, агар:

- ташкилотга келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;
- актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;

в) уларга бўлган мулк ҳукуки ўтса.

Товар-моддий заҳираларга бўлган мулк ҳукуки, улар билан боғлиқ хатарлар ва мукофотларнинг ўтиш пайти унинг шартлари келишиладиган етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси асосида белгиланади.

Товар-моддий заҳиралар қуидагилар натижасида ташкилотнинг бухгалтерия балансига киритилиши лозим:

а) етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;

б) муассислардан ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши;

в) муассислар таркибидан чиқишида ёки тугатилаётган ташкилотнинг молмулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушиши;

г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

д) айирбошлиш;

е) узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш;

ж) ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий заҳираларни аниқлаш;

з) илгари берилган товар қарзининг қайтарилиши ёки товар қарзини олиш;

и) ташкилотнинг ўзида тайёрланиши;

к) ҳисобот даври охирида тугалланмаган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш тарзида ҳисобга олинадиган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

л) товар-моддий заҳираларга бўлган мулк ҳукуки олинишига олиб келадиган бошқа операциялар ва ҳодисалар.

Товар-моддий заҳиралар қуидаги икки қиймат: ҳисобот даври охиридаги таннархидан (харид қиймати ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки сотишнинг соғ қийматидан энг кам қиймат бўйича баҳоланади.

Товар-моддий заҳираларнинг бухгалтерия ҳисобида тегишли тарзда тан олинган таннархи Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва БХМС билан белгиланган ҳоллардан ташқари ўзгартирилмайди.

Харид қилинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи. Товар-моддий заҳиралар ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Товар-моддий заҳираларни харид қилиши билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатларга қуидагилар киритилади:

а) божхона божлари ва йиғимлари;

б) товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солик ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

в) товар-моддий заҳиралар улар орқали харид қилинган таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳақи;

г) товар-моддий заҳираларни сертификатлаш ва уларни товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар;

д) товар-моддий заҳираларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари, товар-моддий заҳираларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига ташиш учун тарифлар (фрахт)ни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан товар-моддий заҳираларни ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлардан ташкил топади;

е) товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Савдо дисконтлари, чегирмалар ва бошқа шу қаби чегирувлар товар-моддий заҳираларни харид қилиш харажатларини белгилаш чоғида амалга оширилади.

1-мисол. Корхона мол етказиб берувчи билан 50 000 000 сўм хомашё ва материаллар сотиб олиш доир шартнома тузди. Шартномага биноан 30% аванс тўлаш назарда тутилган. Корхона сотиб олаётган хомашёни ва материалларни етказиб бериш EXW¹ кўрсатилган. Мол етказиб берувчидан сотиб олинган хомашёни ва материалларни олиб келиш учун ишончнома берилади: Амалиётда ишончноманинг амал қилиш муддати сифатида 10-15 кун кўрсатилади. Мол етказиб берувчилардан омборга хомашё ва материаллар қабул қилинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Хомашё ва материаллар (1010)	50 000 000
Кт Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счёtlар (6010)	50 000 000

Хомашё ва материалларни ташиб келтириш учун транспорт ташкилоти билан тузилган шартномага ва тақдим қилинган товар-транспорт юкхати ҳамда счёт-фактурага мувофиқ 3000 000 сўм пул маблағи тўланади. Ушбу суммага қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Хомашё ва материаллар (1010)	3 000 000
Кт Бошқа кредиторлик қарзлар счёти (6990)	3 000 000

Амалга оширилган хўжалик операциялари натижасида сотиб олинган хомашё ва материалларнинг қиймати 53 000 000 сўмга teng бўлади ва ишлаб чиқаришга ушбу суммадан келиб чиқсан ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

Харид қилинган товар-моддий заҳираларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш харажатлари, ўтказмалар учун банк комиссияси, товар-моддий заҳираларни чет эл валютасига харид қилиш чоғида валютани конвертациялаш бўйича комиссия ва бошқа банк хизматлари), товар-моддий заҳираларни харид қилиш бўйича контрактларни тайёрлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ёпиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни харид

¹ Инкотермс-2020 қоидасига биноан EXW (ингл. *ex works, франко-склад, франко-завод*): товар сотувчининг шартномада кўрсатилган омборхонасида харидор томонидан олинади, экспорт божларини тўлаш харидор зиммасига юклатилади.

қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар товар-моддий заҳираларнинг таннархига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинади.

Муддатидан олдин тўлаш натижасида ёки катта ҳажмда харид қилиш натижасида ёхуд тарафларнинг келишувида назарда тутилган бошқа шунга ўхшашиб сабабларга кўра олинган пул чегирмалари харид қилинган товар-моддий заҳиралар қийматини камайтирмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Товар-моддий заҳиралар қарз капитали ҳисобига харид қилинганда ёки тайёрланганда кредит (қарз)дан фойдаланганлик учун фоизлар кўринишидаги харажатлар унинг ҳисобидан буткул ёки қисман сотиб олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархига киритилмайди.

Товар-моддий заҳираларни харид қилиш бўйича харажатлар уларнинг юзага келишини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Агар шартнома шартларида харид қилинадиган товар-моддий заҳиралар учун тўловни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, мазкур товар-моддий заҳиралар бухгалтерия ҳисобига тўловни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймат бўйича қабул қилинади. Бунда товар-моддий заҳираларнинг тўловни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилмасдан сотиладиган қиймати билан сотиб олинаётган товар-моддий заҳиралар бўйича умумий тўлов суммаси ўртасидаги фарқ тўловни кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даври мобайнида жорий тўловнинг кечикириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўловларнинг умумий суммасидаги солиштирма оғирлигига боғлиқ ҳолда молиявий харажатлар (фоизлар бўйича харажатлар) сифатида тан олинади.

Товар-моддий заҳираларга қўшимча ишлов бериш ва уларни фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ харажатлар ташкилотнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган навларга ажратиш, ўраб-жойлаш ва уларни товар кўринишига келтириш бўйича харажатларини ўз ичига олади. Яроқли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ бўлган харажатлар, уларнинг ҳам ташкилот - харидорнинг ўз кучи билан, ҳам чет ташкилотлар томонидан бажарилишидан қатъи назар товар-моддий заҳираларнинг таннархига киритилади.

Ташкилотнинг транспорт-тайёрлов харажатлари қўйидаги усуллардан бири бўйича ҳисобга қабул қилинади ёки харид қилинган товар-моддий заҳиралар қийматига киритилади:

а) транспорт-тайёрлов харажатларини товар-моддий заҳиралар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш (шартнома нархига қўшиш, устав капиталига киритилган бадалнинг пул баҳосига қўшиш, текинга олинган ва ҳ.к жорий қийматига қўшиш).

Транспорт-тайёрлов харажатларини товар-моддий заҳиралар таннархига бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усулини кўп бўлмаган номенклатурадаги товар-моддий заҳираларга эга бўлган ташкилотларда, шунингдек товар-

моддий заҳираларнинг алоҳида турлари ва гуруҳларининг қиймати катта аҳамиятга эга бўлган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ;

б) етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига биноан транспорт-тайёрлов харажатларини алоҳида синтетик "Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш" счётига олиб бориб, кейинчалик уларни "Материаллар" элементи бўйича товар-моддий заҳиралар таннархига ёки ишлатилишига қараб ишлаб чиқариш харажатларига ва (ёки) давр харажатларига киритиш.

Транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси алоҳида йифилади ва товар-моддий заҳираларнинг тегишли турлари (ушбу транспорт-тайёрлов харажатлари тегишли бўлган партиялари, гуруҳлари) ўртасида тақсимланади.

Алоҳида йифиладиган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгиланган даврга боғлиқ ҳолда давр охиридаги товар-моддий заҳиралар қолдиғи суммаси ва ушбу даврда чиқиб кетган (ишлатилган, сотилган, текинга берилган ва х.к.) товар-моддий заҳиралар суммаси ўртасида тақсимланади.

Чиқиб кетаётган товар-моддий заҳираларга тегишли бўлган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ўртача фоиз қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Ўртача \%} = \frac{\frac{\text{давр бошидаги транспорт-} \\ \text{тайёрлов харажатлари қолдиғи}}{\text{давр бошидаги товар-моддий}} + \frac{\text{давр ичида қилинган транспорт-} \\ \text{тайёрлов харажатлари}}{\text{давр ичида келиб тушган}}}{\frac{\text{захиралар қолдиғи}}{+ \text{товар-моддий заҳиралар}}} \times 100$$

Чиқиб кетаётган товар-моддий заҳираларга тегишли бўлган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси = чиқиб кетган товар-моддий заҳиралар қиймати * ўртача % формула орқали аниқланади.

Ҳақ эвазига харид қилинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи қопланадиган (ҳисобга киритишга қабул қилинадиган) солиқлар чегирилган ҳамда товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қўшилган ҳолда, шартномага ёки уларнинг харид қилинганлиги, ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга мувофиқ етказиб берувчи (сотувчи)га тўланадиган сумма тариқасида аниқланади.

Чет эл валютасида харид қилинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи товар-моддий заҳираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган тегишли харажатларни қўшган ҳолда, чет эл валютасидаги суммани божхона юқ декларацияси ёки ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

Ташкилотнинг устав капиталига улуши сифатида олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида

бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ташкилот муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтгандан кейин, унинг уставида корхона таъсис этувчилари устав капиталидаги улушларини қандай киритилиши ёзилган бўлиши керак. Жуда қўп тадбиркорлар хўжалик юритувчи субъектнинг уставини тайёрлашда корхоналарни рўйхатга олишга доир хизмат кўрсатувчи фирмаларнинг хизматларидан фойдаланиб, айрим хатоликларга йўл қўйишидади. Таъсис этувчилар устав капиталидаги улушларини пулдан ташқари, товарлар, асосий воситалар, хомашё ва материаллар билан киритилиши ёзилган бўлади. Бироқ таъсис этувчи устав капиталидаги улушкини масалан, қиймати 10 000 000 сўм бўлган компьютер билан киритмоқчи бўлади, бухгалтер бундай активни қабул қила олмаслигини айтади. Бунинг сабаблари бир қанча: (1) компьютернинг қиймати 10 000 000 сўм, бу амалдаги 5-сонли БҲМСга мувофиқ асосий воситаларнинг бошланғич қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан (15 000 000 сўмдан) кам, у ҳолда уни инвентар ва хўжалик жихоз деб қабул қилиш керак бўлади, (2) курилиш материаллари киритилса қабул қилинмайди, чунки уставда бундай активларни қабул қилиш тўғрисида ҳеч нарса ёзилмаган.

Юқоридаги хатоликларга йўл қўймаслик учун, корхонанинг таъсис хужжатлари – уставни тўғри расмийлаштириш керак бўлади, яъни таъсис этувчилар устав капиталидаги улушларини пул маблағларида ва бошқа активларда киритишга ҳақли деб ёзилиши керак бўлади. Корхона рўйхатга олинган санадан кейин бир йил ичida устав капиталидаги улушларини қайси активда киритса ҳам барча активларни бухгалтер қабул қилиши ва ҳисобда акс эттириши лозим бўлади.

2-мисол. Корхонанинг таъсис этувчилари устав капиталидаги улушларини қурилиш материаллари билан киритмоқчи. Киритилаётган қурилиш материалларнинг қиймати 20 000 000 сўм деб баҳоланмоқда. Таъсис этувчилар бир овоздан устав капиталига улуш сифатида киритилаётган қурилиш материалларини 20 000 000 сўм суммага киритишга розилигини билдирилган таъсис этувчиларнинг баённомасидан келиб чиқсан ҳолда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Қурилиш материаллари (1050)	20 000 000
Кт Таъсис этувчиларнинг устав капиталидаги улушлари бўйича карзлари счёти (4610)	20 000 000

Ташкилот томонидан текинга (ҳадя шартномаси бўйича) олинган ҳамда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетиши натижасидан олинган товар-моддий захираларнинг таннархи уларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилиниш санасидаги жорий қийматидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Савдо корхонасига бошқа ташкилотдан ёки жисмоний шахсдан текинга қайтариб бермаслик шарти билан қиймати 10 000 000 сўмлик товарлар қабул қилинди. Текинга товар-моддий қийматларни бераётган шахс активларнинг ҳаққоний қийматида ёки ундан паст ёхуд ундан юқори баҳода текинга бериш шартномасида кўрсатиши мумкин. Агар текинга олаётган

активларнинг қийматидан паст ёки юқори кўрсатилган бўлса, ўша баҳода қабул қилинади кейинчалик қайта баҳоланади.

Текинга олинган товар-моддий қийматликлар суммасига қуидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Товарлар (2910)	10 000 000
Кт Текинга олинган мол-мулк счёти (8530)	10 000 000

Худди шундай товар-моддий заҳираларга айирбошлаш йўли билан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг баланс қийматига teng.

Худди шундай бўлмаган товар-моддий заҳираларга айирбошлаш йўли билан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг жорий қийматига teng.

Товар-моддий заҳиралар қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи берилган товар-моддий заҳираларнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) жорий қийматига teng.

Мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутиладиган шартномалар бўйича олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи деб ташкилот томонидан берилган ёки берилиши лозим бўлган активларнинг жорий қиймати ёки бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг жорий қиймати тан олинади.

Ташкилот томонидан берилган ёки бериладиган активларнинг қийматини белгилаш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажаришни назарда тутадиган шартномалар бўйича ташкилот томонидан олинган товар-моддий заҳираларнинг таннархи шунга ўхшаш вазиятларда худди шундай товар-моддий заҳиралар харид қилинадиган жорий қийматдан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ташкилот томонидан четдан қайта сотиши учун харид қилинган товарлар харид қиймати бўйича ҳисобга олиниши мумкин. Бунда товарларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар улар юзага келган ҳисобот даврида ташкилотнинг давр харажатларига (сотиш бўйича) киритилади.

Узоқ муддатли активлар маркибидан товар-моддий заҳиралар маркибиғига ўтказилган активларнинг таннархи ушбу узоқ муддатли активларнинг баланс (қолдик) қиймати бўйича белгиланади.

Ортиқча (ҳисобга олинмаган) товар-моддий заҳираларни инвентарлаш натижасида аниқланган активлар таннархи улар аниқланган санадаги жорий қийматдан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Ташкилотда ишлаб чиқарилган товар-моддий заҳираларнинг таннархини аниқлаш усуллари. Ташкилотнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган (тайёрланадиган) товар-моддий заҳираларнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Товар-моддий заҳираларнинг ишлаб чиқариш

таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Товар-моддий заҳираларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига қўра қуидаги элементлар бўйича гурухларга ажратилади:

а) ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

б) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов суммалари;

в) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

г) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Сотиш харажатлари, ташкилотни бошқариш бўйича умумий харажатлар (маъмурий харажатлар), бошқа операцион харажатлар, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда заарлар маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди.

Товар-моддий заҳиралар (маҳсулот (ишлар, хизматлар)) таннархини аниқлаш усуслари уларнинг тури, маҳсулот ишлаб чиқариш хили, унинг муракқаблиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжудлиги, ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, товар-моддий заҳиралар номенклатурасига боғлиқдир. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашнинг асосий усуслари бўлиб: оддий, меъёрий, буюртма, босқичли усувлар ҳисобланади, савдо ташкилотларида эса харажатларни инвентарь баҳолаш усули ҳам қўлланилади.

Таннархни аниқлашнинг оддий усули бир турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарадиган ва ярим тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга эга бўлмаган ташкилотларда қўлланилади. Ушбу усул қўлланилганда ҳисобот давридаги барча ишлаб чиқариш харажатлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи ишлаб чиқариш харажатлари суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бирликларининг умумий миқдорига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Таннархни аниқлашнинг меъёрий усули хом ашё, материаллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишининг белгиланган меъёрлари бўйича харажатларни ҳисобга олишга асосланган. Меъёномалар вақти-вақти билан таҳлил қилиб турилади ва зарур ҳолларда жорий шарт-шароитларга мувофиқ қайтадан кўриб чиқилади.

Таннархни аниқлашнинг буюртма усули ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот (иш, хизмат) (бир хилдаги маҳсулотлар гурӯхи)га доир алоҳида буюртмалар бўйича идентификацияланадиган ва ҳисобга олинадиган якка тартибда ги ва майда туркумли ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотларда

кўлланади. Буюртманинг объекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат), бир хилдаги маҳсулот (иш, хизмат)нинг майда туркумлари ёки таъмирлаш, монтаж ва экспериментал ишлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни узоқ давом этадиган йирик маҳсулотларни тайёрлашда буюртмалар яхлит маҳсулотга эмас, балки унинг тугалланган конструкцияларга эга бўлган алоҳида агрегатлари, узелларига берилиши мумкин.

Таннархни аниқлашнинг ушбу усулида барча харажатлар буюртманинг якунланишига қадар тўлалигича тугалланмаган ишлаб чиқариш деб ҳисобланади.

Буюртма бирлигининг таннархи унинг бажарилиши (маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши) тугаллангандан кейин аниқланади. Буюртма бўйича харажатларнинг бутун суммаси унинг таннархини ташкил қиласи. Агар ушбу буюртма бир хилдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) туркумидан иборат бўлса, маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи мазкур буюртма бўйича харажатлар суммасини маҳсулот бирликлари микдорига бўлиш орқали аниқланади.

Буюртмалар қисман бажарилиб, улар буюртмачиларга топширилганда қисман ишлаб чиқариш таннархи уларнинг конструкциялари, технологиялари, ишлаб чиқариш шарт-шароитларидағи ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда илгари бажарилган буюртмаларнинг таннархи бўйича баҳоланади.

Таннархни аниқлашнинг босқичли усули бошланғич хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор босқич, фаза, поғоналардан ўтадиган ташкилотларда кўлланади. Ушбу усулда аввал барча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархи, сўнгра унинг бирлиги таннархи аниқланади.

Босқичли усул ташкилотнинг тармоқقا мансублигига боғлиқ ҳолда икки вариантда амалга оширилиши мумкин: ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз вариантларда.

Ярим тайёр маҳсулотли вариантда ҳар бир босқич бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоблаб чиқарилади қамда у аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархи ва мазкур босқич бўйича харажатлардан иборат бўлади. Охирги босқич маҳсулотининг таннархи барча тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳамdir.

Ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда факат охирги босқич маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархигина ҳисоблаб чиқарилади. Бунда харажатлар аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархини ҳисобга олмасдан, ҳар бир босқич бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига барча алоҳида босқичлар бўйича уни ишлаб чиқариш харажатлари киритилади.

Ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулот ишлаб чиқариш учун омбордан асосий ишлаб чиқариш цехига ой давомида хомашё ва материаллар берилганда қуийдаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Асосий ишлаб чиқариш счёти (2010)	40 000 000
Кт Хомашё ва материаллар (1010)	40 000 000

Маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашаётган ишчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш учун 30 000 000 сўмлик иш ҳақи ҳисобланди ва қуидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Асосий ишлаб чиқариш счёти (2010)	30 000 000
Кт Меҳнатга ҳақ тўлашга доир мажбуриятлар счёти (6710)	30 000 000

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан корхона ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий солик (ягона ижтимоий тўлов) 12% (йирик солик тўловчилар 25%) микдорида ҳисоблаши шарт. Жорий ойда ҳисобланган иш ҳақи фондидан ажратманинг суммаси 3 600 000 (30000000 * 12%) сўмни ташкил қиласи ва ушбу суммага қуидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Асосий ишлаб чиқариш счёти (2010)	3 600 000
Кт Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фондларига қарзлар (6520)	3 600 000

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиши харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга биноан маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашаётган асосий воситалар ва номоддий активларга нисбатан амортизация харажатлари суммаси маҳсулот таннархига қўшилади.

З-мисол. Ишлаб чиқариш ускунасининг фойдали хизмати 5 йил, унинг бошланғич қиймати 21 000 000 сўм, тугатиш қиймати нолга тенг бўлган асосий воситага тўғри чизиқли усулда амортизация ҳисобланади. Амортизация суммаси ҳар ойнинг охирида ҳисобланади ва ойлик амортизация суммаси 350 000 (21000 000 / 60 ой) сўмни ташкил қиласиган амортизация харажатлари суммасига қуидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Асосий ишлаб чиқариш счёти (2010)	350 000
Кт Ускунанинг жамғарилган эскириш суммаси счёти (0230)	350 000

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар таркибига қуидагилар киради: ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари; асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукаммал тузатиш харажатлари); ёнгиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа маҳсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари; ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлаи; табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидағи фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари; ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ва қонунчиликда назарда тутилган меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари; ходимларнинг ишлаб чиқариш жараённида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш тадбирлари; текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, озиқ-овқат,

айрим тармоқлар ходимларига озиқ-овқатлар қиймати, хўжалик юритувчи субъект ходимларига бериладиган текин уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва бошқалар учун пул компенсацияси суммаси); амалдаги қонунчиликка мувофиқ текин бериладиган ва шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан формали кийим-бош, маҳсус овқатлар) (ёки улар пасайтирилган нархлар бўйича сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси); ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари; кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари; маҳсулот (хизматлар)нинг мажбурий сертификация қилиш харажатлари; ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ходимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиши нафақалари тўлаш билан боғлиқ харажатлар қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ ва бошқа харажатлар.

4-мисол. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларига кафолат бермоқда. Бундай кафолатларни маҳсулотининг сифати юқори бўлган корхоналар бир неча йилгача беради. Масалан, корхона жорий ойда ишлаб чиқарилган маҳсулоти миқдори 1500 донани ташкил қиласди. Корхонанинг амалиётидан келиб чиқсан ҳолда ҳар ойда ўртacha 3 дона сотилган маҳсулоти кафолат муддати давомида қайтариб олиб келинади. Корхонанинг ҳар бир қайтарилиган маҳсулоти учун кафолат харажатлари ўратача 150 000 сўмни жами бир ойда 450 000 сўмни ташкил қиласди. Корхонанинг ҳисоб сиёсатини кафолатлар бўйича резерв тузиш назарда тутилган ва ойлик суммаси 500 000 сўмни ташкил қилиниши назарда тутилган. Ҳар ойнинг охирида кафолатлар бўйича тутилган резерв суммасига қўйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Асосий ишлаб чиқариш счёти (2010)	500 000
Кт Кафолатлар бўйича резерв счёти (6940)	500 000

Ишлаб чиқариш корхонаси ҳисбот ойи давомида асосий ишлаб чиқаришдан бир донасининг режаси баҳоси 100 000 сўм бўлган 745 дона тайёр маҳсулотни омборга қабул қиласди. Қабул қилинган тайёр маҳсулотнинг қиймати 74500000 сўмни ташкил қиласди ва унга қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Тайёр маҳсулотлар счёти (2810)	74 500 000
Кт Асосий ишлаб чиқариш счёти (2010)	74 500 000

Ой охирида ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархи аниқланади. Бир ой давомида ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар суммаси 74 450 000 сўмни ташкил қиласди. Фараз қилайликки, ой охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш йўқ. Натижада ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар суммаси ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бўлинади ва бир дона маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Бизнинг мисолимизда $74\ 450\ 000 / 745 = 99\ 932,89$ сўмни ташкил қиласди. Бу режа баҳосидан паст бўлганлиги

учун 50 000 (74 500 000 – 74 450 000) сўм иқтисод қилинган сумма ҳисобланади ва ушбу суммага (суммаси қизил сиёҳ билан ёзилади ва айриладиган сумма ҳисобланади) қуидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Тайёр маҳсулотлар счёти (2810)	50 000
Кт Асосий ишлаб чиқариш счёти (2010)	50 000

Агар маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар суммаси жорий ойда 80 000 000 сўмни ташкил қиласа, режа баҳоси бўйича 74 450 000 сўмни ташкил қиласа уларнинг ўртасидаги фарқ суммасига (суммаси оддий сиёҳ билан ёзилади ва у қўшиладиган сумма ҳисобланади) қуидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Тайёр маҳсулотлар счёти (2810)	5 550 000
Кт Асосий ишлаб чиқариш счёти (2010)	5 550 000

Товар-моддий заҳираларнинг чиқиб кетиши. Товар-моддий заҳиралар қолдиқлари ва чиқиб кетаётган (шунингдек ишлаб чиқаришга берилган) товар-моддий заҳиралар қийматини аниқлаш қуидаги усувлардан бири орқали амалга оширилади:

- а) тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи бўйича;
- б) ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO);
- в) ТМЗ харид қилинган вақт бўйича дастлабки заҳиралар таннархи бўйича (ФИФО);
- г) ТМЗ харид қилинган вақт бўйича охирги заҳиралар таннархи бўйича (ЛИФО);
- д) ТМЗ кейинги харид қилинадиган заҳирпалар таннархи бўйича (НИФО).

Товар-моддий заҳираларнинг ҳар бир гурӯҳи (тури) бўйича ҳисобот йили мобайнида қийматни аниқлашнинг фақат бир усули кўлланади. Товар-моддий заҳираларнинг гурӯҳи (тури) бўйича қийматни аниқлаш усувларидан бирини кўллаш ҳисоб сиёсатини қўллаш кетма-кетлигига йўл қўйишдан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ташкилот томонидан алоҳида тартибда фойдаланиладиган (қимматбаҳо металлар, қимматбаҳо тошлар ва ҳоказо) ва бир-бирининг ўрнини босмайдиган (яъни улар одатдаги ҳолда бир-бирини алмаштира олмайди), шунингдек маҳсус лойиҳалар учун ишлаб чиқарилган ва мўлжалланган (ишлатиладиган) товар-моддий заҳиралар тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи усули (*specific identification method*) бўйича баҳоланади.

Ушбу усулда специфик харажатлар муайян товар-моддий заҳираларга тааллуқли бўлади. Акс эттиришнинг ушбу усули, улар сотиб олинганлиги ёки ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар, маҳсус лойиҳалар учун мўлжалланган маҳсулотларга тўғри келади (бу усул автосалон, артсалон, аукцион уйларида, доналаб қиммат сотиладиган корхоналар ишлатилиши мумкин, ишлаб чиқариш корхоналари бу усулдан фойдаланиш тавсия этилмайди).

AVECO (*Average cost method*) усули бўйича товар-моддий заҳиралар ҳар бир бирлигининг қиймати давр бошида айнан бир хил бирликларнинг ўртача тортилган қиймати ва давр мобайнида харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган айнан бир хил бирликларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Товар-моддий заҳиралар ҳар бир бирлиги қийматини AVECO усули бўйича аниқлаш тегишинча давр бошидаги товар-моддий заҳиралар қолдигининг таннархи ва миқдори ҳамда ушбу давр мобайнида келиб тушган товар-моддий заҳираларнинг таннархи ва миқдоридан шаклланадиган, айнан бир хил бирликларнинг умумий таннархини уларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан амалга оширилади. Ўртача қиймат ташкилот томонидан танланган усулга қараб даврий ёки товар-моддий заҳираларнинг ҳар бир янги партияси келиб тушишига кўра ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

ФИФО (*first in first out*) усули бўйича товар-моддий заҳираларнинг чиқиб кетаётган бирликлари таннархига биринчи навбатда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳираларнинг қиймати киради, давр охиридаги товар-моддий заҳиралар қиймати эса охирги бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳиралар бирликларининг умумий қийматидан ташкил топади.

ЛИФО (*last in first out*) усули бўйича товар-моддий заҳираларнинг чиқиб кетаётган бирликлари таннархига охирги навбатда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳираларнинг қиймати киради, давр охиридаги товар-моддий заҳиралар қиймати эса биринчи бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳиралар бирликларининг умумий қийматидан ташкил топади (4-сонли БХМСда ушбу усулга тариф берилмаган ва бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш мумкин эмас).

НИФО (*next in first out*) усули бўйича чиқиб кетаётган товар-моддий заҳираларнинг бирликлари таннархига кейинги навбатда харид қилинадиган заҳираларнинг қиймати киради, давр охиридаги товар-моддий заҳиралар қиймати эса охирги харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган заҳиралар бирликларининг умумий қийматидан ташкил топади (4-сонли БХМСда ушбу усулга тариф берилмаган ва бухгалтерия ҳисобидан фойдаланиш мумкин эмас. Буни бугунги кунда хусусий тадбиркорлар фойдаланаяпти. Бу усулни ҳисобда акс эттиришнинг имконияти йўқ, чунки энди сотиб олинаётган товар-моддий қийматликларнинг баҳоси билан биринчи ҳисобдан чиқариш амалга оширилади).

Ҳисобот даври охирида товар-моддий заҳиралар қийматини аниқлаш уларнинг чиқиб кетишида товар-моддий заҳиралар қийматини аниқлашнинг қабул қилинган усулига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

1-жадвал

Товар-моддий заҳиралар қийматини баҳолаш методи

ТМЗларни харид қилиш	Миқдори (дона)	Бир донасининг қиймати (сўм)	Умумий қиймати (сўм)
10 январь	700	50 000	35 000 000
5 май	800	60 000	48 000 000
20 октябрь	500	70 000	35 000 000

Жами	2000	118 000 000
-------------	-------------	--------------------

Йил охирида омборда 400 дона маҳсулот қолган. Маҳсулот сотишдан олинган даромад 125 000 000 сўмни ташкил қиласди.

1. *Биринчи харид нархларида баҳолаши усули (FIFO)*ни қўллаб, сотилган маҳсулотнинг таннархини ва давр охиридаги заҳираларга тақсимланадиган харажатларни аниқланг.

Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	125 000 000
Сотишга тайёр маҳсулотларнинг таннархи	118 000 000
Давр охиридаги ТМЗ қолдиги (400 дона x 70000 сўм) =	28 000 000
Сотилган маҳсулотнинг таннархи	<u>90 000 000</u>
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	35 000 000

2. *Ўртача тортилган қиймат усули (AVECO)*ни қўллаб, сотилган маҳсулотнинг таннархини ва давр охиридаги заҳираларга тақсимланадиган харажатларни аниқланг.

Маҳсулотнинг бир бирлигининг ўртача тортилган қиймати 59 000 сўм (118 000 000 / 2000)

Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	125 000 000
Сотишга тайёр маҳсулотларнинг таннархи	118 000 000
Давр охиридаги ТМЗ қолдиги (400 дона x 59000 сўм) =	23 600 000
Сотилган маҳсулотнинг таннархи	<u>94 400 000</u>
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	30 600 000

3. *Охирги харид нархларида баҳолаши усули (LIFO)*ни қўллаб, сотилган маҳсулотнинг таннархини ва давр охиридаги заҳираларга тақсимланадиган харажатларни аниқланг.

Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	125 000 000
Сотишга тайёр маҳсулотларнинг таннархи	118 000 000
Давр охиридаги ТМЗ қолдиги (400 дона x 50000 сўм) =	20 000 000
Сотилган маҳсулотнинг таннархи	<u>98 000 000</u>
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	27 000 000

2-жадвал

Усулларни солишириш натижаси

Кўрсаткичлар	Биринчи харид нархларида баҳолаш усули (FIFO)	Ўртача тортилган қиймат усули (AVECO)	Охирги харид нархларида баҳолаш усули (LIFO)
Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	125 000 000	125 000 000	125 000 000
Сотишга тайёр маҳсулотларнинг таннархи	118 000 000	118 000 000	118 000 000
Давр охиридаги ТМЗ қолдиги	28 000 000	23 600 000	20 000 000

Сотилган маҳсулотнинг таннархи	90 000 000	94 400 000	98 000 000
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	35 000 000	30 600 000	27 000 000

Корхона бир хил характерга эга ва фойдаланиладиган барча заҳираларни баҳолаш учун бир усулдан фойдаланиши керак. Ҳар хил характерга эга ва фойдаланиладиган (масалан, хом-ашё ва тайёр маҳсулот) заҳираларни баҳолаш учун ҳар хил усулдан фойдаланиши мумкин.